

Абу Имрон Исо ибн Умар



18:00 / 11.04.2021 2123

Муҳаддис, садук Абу Имрон Исо ибн Умар ибн Аббос ибн Ҳамза ибн Амр ибн Аъян Самарқандий. Абу Муҳаммад Доримийнинг шогирдлари. Доримийдан «Муснад»ларини ривоят қилганлар. Ривоятлари мақбул шайх. У киши ҳақларида бирор камчилик билмайман.

У кишидан Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Коғазий, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳаммувайҳ Сарахсий ҳадис ривоят қилганлар. Вафотлари санаси аниқ эмас. Аммо 320 йил атрофида Самарқандда ҳаёт бўлганликлари ҳақида маълумот бор.

У киши ва Шоший биз тинглаган икки китоб борасида машҳур бўлганлар. Иброҳим ибн Хузайм Шоший ва Исо ибн Умар Мовароуннаҳрда ўз асрдошлари Муҳаммад ибн Юсуф Фарабийнинг табақасидагилардан. Вафотлари ҳам бир-бирига яқин. Валлоҳу аълам.

«Машхур даҳолар сийрати» китобидан